

Ташкилот номи:

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги

Таркибий бўлинма номи:

Давлат хизматлари кўрсатилиши устидан назорат қилиш бошқармаси

1. Фуқароларнинг Наркология диспансери ҳисобида туриши ёки турмаслиги тўғрисида маълумотнома бериш давлат хизмати бўйича рад этиш асосларини кўрсатинг.
2. Архитектура-шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш фаолиятини амалга ошириш учун лицензия беришни рад этиш учун асосларни кўрсатинг.
3. Лойиҳа-смета ҳужжатларини келишишни рад этиш асосларини кўрсатинг.
4. Архитектура-режалаштириш топшириғини ишлаб чиқиш давлат хизмати бўйича сўровномага қандай ҳужжатлар илова қилинади?
5. Қурилиш-монтаж ишларини бошлаш учун объектни рўйхатдан ўтказиш давлат хизмати кўрсатишни рад этиш асосларини кўрсатинг.
6. Бино ва иншоотнинг ташқи кўринишини ўзгартиришни келишиш давлат хизмати бўйича сўровномага қандай ҳужжат илова қилинади?
7. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг юридик техникумларига ўқишга қабул қилиш бўйича давлат хизматини кўрсатишда сўровномада тегишли маълумотларни киритиш учун ариза берувчи Марказ ходимига қандай ҳужжатларнинг аслини тақдим этади?
8. Фуқароларнинг Наркология диспансери ҳисобида туриши ёки турмаслиги тўғрисида маълумотнома бериш давлат хизмати бўйича ундириладиган давлат божи ундирилиши кимларга нисбатан чегирма қўлланилади?
9. Фармацевтика фаолиятини лицензиялаш қайси норматив ҳуқуқий ҳужжат билан тартибга солинади ва қайси орган томонидан амалга оширилади?
10. Қурилиш лойиҳаларини экспертизадан ўтказувчи юридик шахсларни аккредитация қилиш бўйича сўровномага қандай ҳужжатлар илова қилинади?
11. Лойиҳа-смета ҳужжатларини келишиш давлат хизмати бўйича сўровномага қандай ҳужжатлар илова қилинади?
12. Қорақалпоғистон Республикаси Қурилиш вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар қурилиш бош бошқармалари ҳузуридаги ҳудудий архитектура-шаҳарсозлик кенгашлари томонидан қандай турдаги объектлар бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларини архитектура-режалаштириш топшириғига мувофиқлиги бўйича кўриб чиқиш ва келишиш амалга оширилади?
13. Турар жойларни нотурар жой тоифасига ўтказишга рухсат бериш давлат хизмати бўйича сўровномага қандай ҳужжатлар илова қилинади?
14. Бино ва иншоотларнинг ихтисослашишини ўзгартириш, қайта қуриш, реконструкция қилиш ҳамда ўз ҳудудида қўшимча бино ва иншоотларни қуришни лойиҳалаштиришга рухсатнома бериш давлат хизмати бўйича қайси фаолият турлари учун ихтисослаштиришга рухсатнома бериш тақиқланади?
15. Бино ва иншоотнинг ташқи кўринишини ўзгартиришни келишиш қандай бинолар учун талаб этилмайди?
16. Хусусий нотариал фаолиятни амалга ошириш учун лицензия олинмишида кимларга нисбатан стажировкадан ўтмасдан малака имтиҳонида иштирок этишга ҳақли?
17. Идоравий нотариал архивлар томонидан архив ҳужжатларини бериш давлат хизмати кўрсатишни рад этиш учун асосларни кўрсатинг.
18. ФХДЁ органларидан чиқадиган ҳужжатларга апостиль қўйиш давлат хизмати бўйича ваколатли орган?
19. Фуқароларни Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий рўйхатга олишни рад этиш асосларини кўрсатинг.
20. Манзил-маълумот ахборотларини тақдим этиш бўйича давлат хизматини кўрсатувчи ваколатли органни белгиланг?

21. Пенсия ва нафақа олувчилар рўйхатида мавжудлиги ҳақида маълумотнома бериш бўйича давлат хизматлари кўрсатиш қайси ваколатли орган томонидан амалга оширилади?

22. Амал қилиш муддати тўхтатиб турилган, қайта тикланган ёхуд тўхтатилган қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлар билан ишлаш учун рўйхатдан ўтказиш гувоҳномалари тўғрисидаги маълумотлар қайси ваколатли орган томонидан тегишли ахборот тизимларига киритилади.

23. Ариза берувчи томонидан олий ва ўрта махсус таълим муассасасида ўқиганликни тасдиқлаш ҳақидаги архив маълумотномасини олиш учун тўлдирилган сўровномага қандай ҳолатда нотариал тасдиқланган ишончнома илова қилинади?

24. Жисмоний ва юридик шахсларга маълум бир ҳудуднинг ер ости сувлари ҳолати юзасидан гидрогеологик хулосалар бериш давлат хизмати бўйича гидрогеология корхоналари ариза тушгандан сўнг 1 иш куни мобайнида қайси ҳаракатларни амалга оширади?

25. Сувдан махсус фойдаланиш ёки сувни махсус истеъмол қилишга рухсатнома бериш давлат хизмати бўйича рухсатнома олмасдан сувдан махсус фойдаланишга ёки сувни махсус истеъмол қилишга қандай ҳолатларда йўл қўйилади?

26. Автомототранспорт воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларни малакасини ошириш бўйича нодавлат таълим хизматлари кўрсатиш фаолиятини лицензиялаш давлат хизмати бўйича лицензия беришда нодавлат таълим ўқув жараёнларини назорат қилиш тизимини қайси ташкилот билан интеграция қилинганлиги талаб этилади?

27. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида меҳнат фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи тасдиқнома бериш (узайтириш) давлат хизмати бўйича ваколатли органни кўрсатинг.

28. Ер участкасига доимий эгалик қилиш, доимий ва муддатли (вақтинча) фойдаланиш ҳуқуқини рўйхатдан ўтказиш учун қандай ҳужжатлар асос ҳисобланади?

29. Кўчмас мулк объектига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказишни рад этиш учун қандай асос мавжуд?

30. Қурилиши (реконструкцияси) тугалланган бино ва иншоотларни фойдаланишга қабул қилиш бўйича давлат хизмати бўйича рад этиш асослари?

31. Ипотека тўғрисидаги шартномаларни давлат рўйхатидан ўтказиш давлат хизмати кўрсатилишида қайси органлар қатнашади?

32. Спорт-таълим муассасаларининг тренер-ўқитувчилари ва йўриқчи-услугчиларига малака тоифаларини бериш бўйича давлат хизмати бўйича қандай шахслар ҳақ тўлашдан озод этилади?

33. Уй-жой сотиб олиш учун фуқароларга субсидия тўлаш давлат хизмати бўйича ариза берувчининг оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган хотин-қизлар, ногиронлиги бўлган, кам таъминланган, фарзандларини тўлиқсиз оилада тарбиялаётган ва уй-жой шароитини яхшилашган муҳтож оналар — тоифасига мансублиги тўғрисидаги хулоса қайси орган томонидан тақдим этилади?

34. Архитектура-шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш фаолиятини амалга ошириш бўйича лицензия талаблари ва шартларига нималар киради?

35. Архитектура-шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш фаолиятини амалга ошириш бўйича лицензия тақдим этиладиган ҳужжатларни санаб ўтинг.

36. Ветеринария хизмати мутахассисларининг малакасини ошириш, уларни қайта тайёрлаш ва уларга малака тоифалари бериш бўйича давлат хизмати бўйича ваколатли органни кўрсатинг?

37. Бино, иншоот ва бино ва иншоот фасадининг эскиз лойиҳаси тушунчаларини ёритиб беринг.

38. Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 21 февралдаги 80-сон қарори билан тасдиқланган Ветеринария фаолиятини лицензиялаш Паспортига кўра, лицензияловчи органни кўрсатинг.

39. Моддий маданий мероснинг кўчмас мулк объектлари соҳасида реставратор-усталар малакасини ошириш ва уларга малака сертификатини бериш давлат хизмати бўйича ваколатли органни кўрсатинг.

40. Моддий маданий мероснинг кўчмас мулк объектлари соҳасида реставратор-усталар малакасини ошириш ва уларга малака сертификатини бериш давлат хизмати бўйича аризага илова қилинадиган ҳужжатларни кўрсатинг.

41. Тараққиёт стратегиясининг устувор йўналишларини санаб беринг.

42. Яроқсиз ҳолатга келган ёки йўқотилган меҳнат дафтарчасидаги ёзувларни тасдиқлаш бўйича давлат хизмати кўрсатиш муддатини кўрсатинг.

43. Имтиёзли ва умумий рўйхатда турган сўровномалар боланинг ёшига мос гуруҳлардаги бўш ўринлар сонига қараб қандай тартибда навбатлар шакллантирилади ва йўлланмалар берилади?

44. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 17 мартдаги “Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш ҳамда ҳуқуқий хизмат кўрсатишда адлия органлари ва муассасалари фаолияти самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 89-сон Фармонида асосан, Адлия вазирлиги аҳолига давлат хизматлари кўрсатиш йўналишида қандай вазифалар юклатилди?

45. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тушунчасини ёритиб беринг.

46. Мансабдор шахсларнинг маъмурий жавобгарлиги тушунчасини ёритиб беринг.

47. Давлат хизматлари кўрсатилишида мурожаатчини ҳуқуқи бузилганлиги учун айбдор шахсларга нисбатан қандай маъмурий жавобгарлик мавжуд?

48. Маъмурий жавобгарликка тортилиш ёши.

49. Маъмурий жазо нима ва нима мақсадда қўлланилади?

50. Маъмурий жазонинг турлари.

51. Маъмурий жазо қўлланиш муддатларини тушунтириб беринг.

52. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон қарорига асосан Давлат хизматлари қамрови ва тезкорлигини ошириш, уларнинг кўрсатилишида аҳолининг барча қатламлари манфаатлари инобатга олинишини таъминлаш мақсадида қандай қулайликлар яратиш белгиланган.

53. 2021 йил 1 июндан бошлаб жисмоний ва юридик шахслардан, шунингдек тадбиркорлик субъектларидан қандай ҳужжатларни давлат органлари ва ташкилотлари томонидан талаб қилиш бекор қилинган?

54. 2021 йил 1 июндан бошлаб жисмоний ва юридик шахслардан, шунингдек тадбиркорлик субъектларидан қайси фактларни тасдиқловчи маълумотларни давлат органлари ва ташкилотлари томонидан талаб қилиш бекор қилинган?

55. Коммунал соҳада “ягона мижоз” тамойили асосида давлат хизматлари кўрсатишнинг моҳиятини тушунтириб беринг.

56. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 24 июлдаги ПФ-6269-сон “Давлат хизматлари кўрсатиш инфратузилмасини такомиллаштириш ва аҳолининг давлат хизматларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонида асосан 2022 йил 1 январдан бошлаб аҳолидан, шу жумладан тадбиркорлик субъектларидан талаб қилиш бекор қилинаётган ҳужжатларни ва маълумотларни давлат органлари ва ташкилотлари қандай тартибда олиши белгилаб берилди?

57. Ижтимоий ҳимояга муҳтож айрим тоифадаги фуқароларга нафақа тайинлаш бўйича давлат хизматлари кўрсатишнинг маъмурий регламентига асосан ижтимоий ҳимояга муҳтож айрим тоифадаги фуқаролар сифатида кимлар кўрсатиб ўтилган?

58. Ичимлик ва иссиқ сувни ҳисобга олиш ускуналарини қиёслаш даврийлигини кўрсатинг.

59. Болаларни давлат мактабгача таълим ташкилотларига қабул қилиш бўйича давлат хизматлари кўрсатишда имтиёзли рўйхатга киритилиши белгиланган тоифаларини ёритиб беринг?

60. Биринчи марта тарбияланувчилар қабул қилаётган янги қурилган давлат мактабгача таълим ташкилотларига болаларни қабул қилиниши бўйича давлат хизмати кўрсатилиши тартиби қандай?